

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТИББИЁТ ҲОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

АСҚАРОВА НИЛУФАР АСҚАР ҚИЗИ

АМБУЛАТОР БОСҚИЧДА КУЗАТУВГА ОЛИНГАН СУРУНКАЛИ
ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ
ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Аскарова Нилуфар Асқар қизи

Амбулатор босқичда кузатувга олинган сурункали юрак
етишмовчилиги ва қандли диабетнинг иккиламчи
профилактикасининг хусусиятлари..... 3

Аскарова Нилуфар Асқар қизи

Особенности вторичной профилактики хронической сердечной
недостаточности у больных сахарным диабетом на
амбулаторном этапе наблюдения..... 21

Askarova Nilufar Askar kizi

The features of the secondary prophylaxis of chronic heart
failure in patients with diabetes mellitus in ambulatory
of the stage of observation..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТИББИЁТ ҲОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

АСҚАРОВА НИЛУФАР АСҚАР ҚИЗИ

АМБУЛАТОР БОСҚИЧДА КУЗАТУВГА ОЛИНГАН СУРУНКАЛИ
ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ
ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1149 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tina.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тулабоева Гавхар Мирокборовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухамедова Муяссар Гафуржановна
тиббиёт фанлари доктори

Каримов Маъруф Шакирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «6» апрел соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (844 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» март да тарқатилди.

(2022 йил «24» март даги 2 рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йилларда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ)ни даволашда эришилган ютуқларга қарамай, бу хасталик кардиологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб хисобланмоқда. Айрим нуфузли кузатув натижаларига кўра, «...СЮЕ – кўп ҳолларда қандли диабетнинг 2-тури (ҚД2) билан хасталанган беморларда аниқланади ва 10%дан 22%гача бундай коморбидлик қайд этилади...»¹. СЮЕ мавжуд беморлар сонининг ёшга боғлиқ ҳолда ўсишига юрак қон - томир касалликлари, хусусан юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва гипертония касаллиги (ГК)нинг кўпайиши, аксарият ҳолатларда уларнинг бирга келиши, даволаш ва профилактикада эришилган ютуқлар туфайли уларни узоқ кечиши, атеросклероз жараёнининг нафақат магистрал қон томирларда балки майда артерия ва артериолаларда ҳам ривожланиши сабаб бўлмоқда.

Жаҳонда сўнги йилларда СЮЕнинг келиб чиқиш сабаблари, юрак қон-томир касаллиги оқибатида келиб чиқадиган асоратлар ва ўлим хавфи ўсишини олдини олишга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бироқ метаболик ремоделлаштиришга олиб келадиган молекуляр ва генетик механизмлар тўлиқ ўрганилмаган. Юрак қон-томир касалликлари (ЮИК, артериал гипертензия) ва СЮЕ билан аниқланган метаболик касалликларнинг патогенезини яқинлигини кўрсатади. Афсуски, СЮЕнинг дастлабки белгиларини аниқлаш хусусиятлари бўйича тавсиялар мавжуд эмас. Шу туфайли, 2-тур ҚД билан оғриган беморларда СЮЕни дастлабки белгиларини аниқлаш, ушбу ташҳиснинг хусусиятларини белгилаш, кардиоваскуляр хавф омилларинининг таъсирини баҳолаш ва олинган натижалар асосида даволашни мувофиқлаштириш ҳамда профилактика чора-тадбирларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамызда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон талабларига мослаштириш, аҳоли орасида кардиологик касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ҳамда патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, даволаш усулларини такомиллаштириш, юрак қон-томир касалликларини кўпайишини олдини олиш мақсадида даволаш

¹ Марданов Б.У., Корнеева М.Н., Ахмедова Э.Б. Сердечная Недостаточность и сахарный диабет: отдельные вопросы этиопатогенеза, прогноза и лечения. // Рациональная фармакотерапия в кардиологии. – 2016. – №12 (6). – С. 743-748.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

сифатини яхшилаш ҳамда профилактика чораларини яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек ушбу соҳа йўналишида қабул қилинган бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. СЮЕ мавзусида тадқиқот олиб бораётган мутахассисларнинг маълумотларига кўра, СЮЕ ҳамда ҚД2 обструктив ўпка касаллиги билан бир қаторда 3-4-ўринларни эгаллайди (Беленков Ю.Н. ва бошқалар 2017й.). Фрамингемнинг энг йирик тадқиқотининг натижалари шуни кўрсатдики, 2-тур ҚД билан оғриган беморларда (45-74 ёш) СЮЕ ривожланишининг нисбий хавфи ҚДга чалинмаган одамлар билан солиштирилганда эркакларда 2 марта ва аёлларда 6 марта юқори бўлган. Катта популяцион тадқиқот натижаларига кўра, ҚД касаллиги СЮЕ ривожланиш хавфини аёлларда 5 баравар, эркакларда 2,6 баравар оширишини кўрсатди. Бундан ташқари, ҚД билан оғриган беморлар орасида СЮЕнинг тарқалиши 10%дан 22%гача ташкил қилади, бу умумий аҳоли орасида биринчисига нисбатан 4 баравар юқори (Марданов Б.У. ва бошқалар 2016й.). ҚД билан оғриган беморларда СЮЕнинг юқори даражаси NHANESI таниқли эпидемиологик тадқиқотида ҳам тасдиқланган, ҚД бўлмаган беморлар билан таққосланганда СЮЕни ривожланишида ҚД илк сабаблардан бири ҳисобланади.

Шимолий Америка ва Европада СЮЕ ташхиси билан касалхонага ётқизилган беморларнинг рўйхатида ҚДнинг тарқалиши 40-45%ни ташкил қилади. Швецияда СЮЕ реестрида (шифохоналарнинг 68% ва амбулаторларнинг 32% беморларда) 30% ҳолатларда ҚД аниқланган, СЮЕ бўлмаган одамларда эса унинг сони 19% бўлган. СЮЕ аниқланган беморларнинг 5 йиллик кузатув даврига кўра, ушбу касаллик аниқланмаган одамларга қараганда янги ҚД касаллигини хавфи юқори даражада бўлган (1000 кишига 13,6 ҳолати 1000 кишига 9,2 ҳолати билан таққосланган ҳолда). Касаллик асоратларининг кучайишида ёш ва гликемия даражаси муҳим аҳамият касб этади. Кенг миқёсли CHARМ тадқиқоти натижаларига кўра, СЮЕ бўлган беморларнинг деярли 8 фоизи 3 йиллик кузатув даврида ҚД касаллигини орттирган. Шу билан бирга, қон айланиш етишмовчилиги

қанчалар ўзини намоён қилса, ҚД эҳтимоллиги шунчалар юқори бўлади (Починка И.Г. 2017й.).

Мамлакатимизда сўнги йилларда Ўзбекистон олимлари ҚДдаги гипертензиянинг клиник кечишини (Исламова К.А. 2018й), ҳар хил турдаги юрак етишмовчилиги бор ўнг қоринча ДКМП ва уларда клиник-гемодинамик кўрсаткичларининг хусусиятларини ўрганиш (Абдуллаев Т.А. ва бошқалар, 2018й.), ўзбек миллати учун Gly16 аллелининг прогностик аҳамияти ва СЮЕ билан оғриган беморларда ADRB2 гени Arg16Gly полиморфизмининг гомозигот Gly/Gly генотипининг СЮЕ учун юқори хавф белгиси эканлиги ҳамда СЮЕ оғирлигини аниқлаш масалалари тадқиқ этилган (Алиева Т.А. 2016й.). Аммо СЮЕ ва 2-тур ҚД билан оғриган беморларда иккиламчи профилактикасининг хусусиятлари ушбу беморларда СЮЕнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон шароитида ҳанузгача тадқиқ этилмаган.

Клиник амалиётда 2-тур ҚД билан оғриган беморларда СЮЕни эрта аниқлаш, замонавий тиббиётдаги охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. СЮЕ билан оғриган беморларни даво самарадорлигини оптималлаштириш, даволашга бўлган мойилликни ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида СЮЕ ва ҚД мавжуд беморларда юқори хавф омилларини аниқлаш ҳамда юрак қон - томир касалликлари асоратларининг олдини олишга қаратилган даволаш тактикасини белгилаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ҳодимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ №0196 0004420 рақамли «Юрак қон-томир тизимининг ёшга боғлиқ жиҳатлари» (2012-2017й) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабетли беморларнинг клиник-гемодинамик кўрсаткичлари, фармакоэпидемиологик ҳолатлари, даволанишга бўлган мойиллик даражасини беморларнинг ёшига кўра таҳлил қилиш ҳамда "СЮЕ мактаби"нинг самарадорлигини амбулатор шароитида баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабет мавжуд беморларнинг касаллик ривожланишига олиб келувчи хавф омилларини, клиник-гемодинамик кўрсаткичларини, ҳаёт сифати ва миокарднинг жисмоний зўриқишга чидамлилигини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабет бўлган беморларда касалликнинг функционал синфи бўйича тарқалишини ва такрорий шифохоналарга ётқизилиш сабабларини таҳлил қилиш;

сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабет бор беморларда фармакоэпидемиологик ҳолатларни ва уларнинг даволаш бўйича клиник тавсияларига мувофиқлигини баҳолаш;

"СЮЕ мактаби" дастурини ишлаб чиқиш ва уни самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида СЮЕ мавжуд 320 та ва у қандли диабет билан бирга келган, 220 та беморлар ва (назорат) - ҚД - 2 тури бўлмаган 100 шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида физикал текширув, клиник-гемодинамик кўрсаткичлар, углеводлар ва липидлар алмашинуви, буйрақларнинг функционал ҳолати, ҳаёт сифати, тушқунлик ҳолати, беморларнинг даволанишга бўлган мойилиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-функционал, биокимёвий, электро ва эхокардиографик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

60 ёшдан катта сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабет билан оғриган беморларда даволанишга бўлган мойиллик кўрсаткичлари 60 ёшдан кичик бўлган беморларга нисбатан юқори эканлиги исботланган;

фармакоэпидемиологик текширув натижалари комбинацияли даво воситаларидан етарлича фойдаланилмаганлиги, кунлик дозаларнинг миқдори паст бўлганлиги, қон босим ва юрак қисқариш сонини назорат қилиш беморларнинг ёшидан каттий назар паст даражада эканлиги кўрсатилган;

60 ёшдан катта бўлган сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабетли беморларда такрорий шифохоналарга ётқизилиш сабаблари касалликнинг юқори функционал синфларининг кўп учраши, чап коринча отиш фракциясининг паст бўлиши, қондаги креатинин, сийдикчил миқдорининг ортиб бориши ва коптокчалар фильтрация тезлигининг сезиларли равишда пасайиши билан асосланган;

амбулатор шароитида олиб борилган комплекс ўқув дастури, касалликнинг клиник белгиларини камайишига, ҳаёт сифатини яхшиланишига, миокарднинг жисмоний зўриқишга бардошлилигини ортишига, беморларнинг такрорий шифохоналарга ётқизилишини ва шунинг баробарида йиллик ўлим кўрсаткичини камайишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган натижалар асосида амалиёт шифокорлар учун, СЮЕ ва ҚД билан оғриган беморларни самарали даволаш бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва СЮЕни авж олишини секинлаштириш, такрорий касалхонага ётқизиш ҳолатларини камайтириш мақсадида аҳоли ўртасида кенгрок ахборот маконини жорий этишда ёрдам берган;

ўтказилган клиник тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган «СЮЕ мактаби»ни қўллаш орқали СЮЕ ва ҚД билан оғриган беморларда нафақат самарали давога эришилган, балки уларнинг даволанишга бўлган мойиллиги ҳам ортган, юрак қон-томир асоратларнинг олдини олиниши ва ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланган;

натижалар шуни кўрсатдики, даволанишнинг монанд усуллари ишлаб чиқилган, беморларнинг клиник ҳолати яхшиланган, юрак қон-томир хавф омилларининг таъсирини баҳолашда профилактика чораларининг аҳамияти исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий адабиётлар билан таққосланганлиги, хулосалар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амбулатор босқичда СЮЕни олдини олиш бўйича асосий йўналишларни СЮЕ ва ҚД бор беморларда клиник-динамик хусусиятларини кечиши, хавф омилларининг таъсири, ҳаёт прогнози СЮЕ ва ҚД бўлмаган беморларга нисбатан ёмонроқ бўлиши билан баҳоланди, яъни амбулатор шароитида "СЮЕ мактаби"нинг қўлланилишини тадбиқ этиш ва унинг самарадорлигини ўрганиш, беморларда даволанишга мойиллигини ошириш, бу эса ҚД бор беморларда ногиронликни ва такрорий касалхонага ётқизирилишини камайтириш, аҳоли ўртасида касаллиги бўйича кенг маълумот олиши ва соғлигига янада эътибор бериши бўйича боғлиқликлари борлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти СЮЕ ва ҚД билан оғриган беморларда даволашни оптималлаштириш, беморларнинг даволанишга мойиллигини ошириш, СЮЕ авж олишини секинлаштириш ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш орқали олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Амбулатор босқичида кузатувга олинган сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабетнинг иккиламчи профилактикасининг хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

бирламчи бўғим шароитида СЮЕ ва ҚД билан оғриган беморларда асоратларни олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғими шароитида СЮЕ ва ҚД билан оғриган беморларда асоратларни олдини олиш алгоритми» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 январдаги 8н-д/39-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома амбулатор амалиётида юрак қон-томир асоратларини олдини олишда "СЮЕ мактаби"ни қўллаш орқали беморларда даво самарасини ошириш имконини берган;

СЮЕ ва ҚД билан оғриган беморларда СЮЕнинг эрта диагностикасини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Олмазор тумани ЎзР ССВ 17 оилавий поликлиникаси, ЎзР ССВ 18 оилавий поликлиникаси фаолиятига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 декабрдаги 08-09/21266–сон маълумотномаси).

Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши СЮЕ ва ҚД мавжуд беморларда даво самарадорлигини ошириш ҳамда қайта касалхонага ётқизиш, ўлимни камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволанишга мойилликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 5 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда ва 7 та тезис 3 таси Республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Амбулатор босқичда кузатувга олинган сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабетнинг иккиламчи профилактикасининг хусусиятлари”** биринчи бобида СЮЕнинг эпидемиологик ҳолати ва уни даволашга замонавий ёндашиш, СЮЕ ва ҚД билан касалланган беморларда жараённинг ўзига хос кечиш хусусиятлари, механизмлари тўла қонлик билан ёритилиб берилган. Эътиборли тарафи ёш ўтиб бориши билан юрак ва томирлар тузилиши ва функциясида рўй берадиган ўзгаришларга, СЮЕ бўлган беморларни даволашга мойиллик муаммосининг долзарблиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Шу билан биргаликда кексаларда дориларни қабул қилишдаги ўзига хос томонларини батафсил ёритиб берилган. Кексалар организмида тана аъзоларининг физиологияси, дорилар элиминацияси, дори воситаларининг таъсири ва уларни буюришнинг қоидалари ҳақида ҳам мулоҳаза юритилган.

Диссертациянинг **“Материаллар ва тадқиқот усуллари”** иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифномаси маълумотлари, тадқиқотнинг клиник-гемодинамик, лаборатор, функционал услублари келтирилган. Тадқиқот баённомасига мувофиқ 2012 йилдан то 2015 йилгача бўлган давр ичида 320 та 45-78 ёшдаги сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) хасталигига эга бўлган беморлар жалб этилди. Тадқиқот 19-сонли оилавий поликлиника (ОП) ва Марказий тиббиёт поликлиникаси (МТП) шароитида амалга оширилди. Беморларимизнинг ўртача ёши $59,83 \pm 7,98$ йилни ташкил этди. Диабет мавжудлигига қараб беморлар 2 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни (асосий) ($n=220$, 68,7%), ўртача ёши $59,81 \pm 7,93$ йил бўлган СЮЕ I-IV ҚД-2 тури билан оғриган беморлар ташкил этди. 2-гуруҳга

– (назорат) (n=100, 32%) – СЮЕ I-IV ҚД - 2 тури бўлмаган беморлар киритилди. Уларнинг ўртача ёши $59,87 \pm 8,14$ йилни ташкил этди. СЮЕ ва ҚД бўлган беморлар орасида 142 та аёллар ($64,55 \pm 3,23\%$) ва 78 та эркеклар ($35,45 \pm 3,23\%$) бор эди. Ёшига қараб, беморлар 60 ёшгача (n=104, 47%) ва 60 ёшдан катта (n=116, 53%) бўлган беморлар гуруҳига ажратилди. Беморларга физикал текширув, стандарт методология бўйича электрокардиография, эхокардиографик тадқиқотлар (ЭхоКГ), 6 дақиқали юриш тести, беморларнинг клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи бўйича баҳоланди (КХБШ), ҳаёт сифати “Миннесота сўровномаси” (Minnesota Living with Heart Failure Questionnaire), тушкунлик ҳолатини Гамильтон шкаласи (HDRS-21) орқали баҳоланди, буйрақларнинг функционал ҳолати ўрганиб чиқилди. Беморларнинг даволанишга бўлган мойиллигини баҳолаш учун ДИТМ ПМ тадқиқ қилинган, Мориски-Грин сўровномаси орқали ўрганилди ҳамда “СЮЕ бўйича мактаб” ташкил этилди.

Параметрик ва параметрик бўлмаган таҳлил усуллари ёрдамида тадқиқот материаллари статистик жихатдан қайта ишланди. Дастлабки маълумотларни тўплаш, созлаш, тизимлаштириш ва олинган натижаларни визуализация қилиш электрон жадвалларда Microsoft Office Excel – 2010 амалга оширилди.

Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v 23 дастури (ишлаб чиқувчи IBM Corporation) ёрдамида амалга оширилди. Номинал маълумотларни таққослаш Пирсон χ^2 мезонлари, Фишернинг аниқ мезонининг олинган қиймати $P > 0,05$ статистик жихатдан ахамиятли фарқлар йўқлигини кўрсатди. Уларнинг мавжудлиги ҳақида – $P < 0,05$. Миқдорий кўрсаткичлар нормал тақсимотда мувофиқлиги учун баҳоланди, бунинг учун Шапиро-Уилк мезони (текширувчилар сони 50 дан кам бўлган ҳолда) ёки Колмогоров-Смирнов мезони (текширувчилар сони 50 дан кўп бўлган ҳолда), ҳамда ассиметрия ва эксцесс кўрсаткичлар ишлатилди. Нормал тақсимлашга эга миқдорий кўрсаткичларни тавсифлашда олинган маълумотлар вариацион қаторларда бирлаштирилиб, унда ўртача арифметик қиймати (M), стандарт оғиши (σ) ва стандарт хатоси (m), ишонч оралиғи чегаралари 95% ишонч оралиғи (95% ИО) ҳисобланди. Миқдорий маълумотларнинг нормал тақсимланган популяцияларидаги ўртача қийматларни таққослаганда Стъудент t-критерийси ҳисобланди. Олинган қийматлар Стъудент t-критерийси танқидий қийматлар билан таққослаш орқали баҳоланди. Кўрсаткичлардаги фарқлар $P < 0,05$ нинг ахамиятли даражасида статистик ахамиятга эга деб қаралди. Нормал тақсимлашга эга миқдорий кўрсаткичлар фарқларининг статистик ахамияти гуруҳлар ўртасида Фишер F критерийси ҳисоблаш йўли билан бир томонлама дисперсион таҳлили ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг **“Шахсий тадқиқот натижалари”** учинчи бобида 320 та текшурувга олинган, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда хавф омилларининг тарқалиши, клиник-гемодинамик кўрсаткичлари 320 та беморда текширувдан ўтказилди. Хавф омиллардан 1-гуруҳ беморларида 2-чи гуруҳ беморларига қараганда тамаки чекиш 28,5% га, алкогольнинг ортиқча истеъмоли 33,3% га, семизлик, яъни ортиқча вазн 37,5%га, III

даражадаги семириб кетиш 33,3%га, тузнинг ортиқча истеъмоли эса 28,6% га кўпроқ кузатилди. Кейинги босқичда биз ёшга қараб сурункали юрак етишмовчилиги ва диабетнинг хавф омилларини таҳлил қилдик. 60 ёшдан ошган беморларда 60 ёшгача бўлган беморларга қараганда семириш 16,7%, ортиқча тузни истеъмол қилиш 13,3%га, тушкунлик ҳолати 21,12%га кўпроқ, чекиш 25%га камроқ намоён бўлди. Маълумки, СЮЕни авж олиншига салбий хавф омиллардан бири бўлиб камқонлик ҳисобланади, шу сабабдан тадқиқотимизда СЮЕ ва ҚД бор беморларда камқонликни таҳлил этганимизда, темир танқислиги бўйича камқонлик 67,9% (n=149) ҳолатда аниқланди. Гемоглобиннинг ўртача миқдори $113,33 \pm 5,82$ г/лни ташкил этди. 60 ёшгача беморларда - 41,9% (n=62), 60 ёшдан катта беморларда - 58,4% (n=87), яъни 40% га 60 ёшдан катта беморларда кўп кузатилди. Камқонлик 60 ёшдан кичик беморларда $41,61 \pm 4,04\%$, улардан катталарда эса $58,39 \pm 4,04\%$ ни ташкил этди. Гемоглобиннинг ўртача миқдори $116,42 \pm 1,81$ г/л ва $111 \pm 4,01$ г/лни тегишли равишда аниқланди ($p < 0,001$).


СЮЕ этиологик факторлардан ЮИК ва ГК биргаликдаги комбинацияси СЮЕ ва ҚД бор беморларда юқори эканлиги ҳамда ушбу беморларнинг ёшига қараб таҳлилида ЮИК ва АГ бирикмаси - 60 ёшгача 59 (41,5%) ва 60 ёшдан катта беморларда 83 (58,4%) аниқланди. 60 ёшдан катта беморларда ЮИК 15,5%, ГК 31,76% ва уларнинг комбинацияси 40,67% ҳолатларда, ЮИК ва ЎСОК тенг миқдорда кузатилди.

1 - жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморларда клиник-этиологик тавсифи

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=220)		Назорат гуруҳи (n=100)				Умумий гуруҳ (n=320)	
	abs	M±m,%	abs	M±m,%	χ^2	p	abs	M±m,%
	ГК бор беморлар	197	89,55±2,06	90	90±3,00	0,015	0,901	287
ЮИК бор беморлар	153	69,55±3,10	85	85±3,57	8,616	0,003	238	74,38±2,44
ЮИК ва ГК бор беморлар	142	64,55±3,23	80	80±4,00	7,323	0,007	222	69,38±2,58
ЮИК ва ЎСОК бор беморлар	6	2,73±1,10	12	123,25	11,135	0,001	18	5,63±1,29


Тадқиқот ишлари шуни кўрсатдики, 1- гуруҳ беморларда ФС I – $9,09 \pm 1,94\%$ (n=20), ФС II $36,36 \pm 3,24\%$ (n=80), ФС III – $52,73 \pm 3,37\%$ (n=116), ФС IV – $1,82 \pm 0,90\%$ (n=4), холбуки ҚД кузатилмаган СЮЕ билан оғриган беморларда эса 6 ($6 \pm 2,37\%$), 50 ($50 \pm 5,0\%$), 41 ($41 \pm 4,92\%$), 3 ($3 \pm 1,71\%$) тегишли равишда аниқланди. Демак, тадқиқотимиз солиштирма таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳ беморларда ПФС 38%га кам, ШФС 26%га назорат гуруҳдаги беморларга нисбатан кўп учраши аниқланди.



1-расм. Текширилган беморларни I-IV ФС сурункали юрак етишмовчилиги бўйича тақсимланиши (%)

Кейинги босқичда ҚД+СЮЕ беморларда ёшига қараб I-IV ФС СЮЕ бўйича таҳлил ўтказилди.


60 ёшгача беморларда ФС I – $12,50 \pm 3,24\%$ ($n=13$), ФС II $37,50 \pm 4,75\%$ ($n=39$), ФС III – $49,04 \pm 4,90\%$ ($n=51$), ФС IV – $0,96 \pm 0,96\%$ ($n=1$), 60 ёшдан катталарда эса 7 ($6,03 \pm 2,21\%$), 41 ($35,34 \pm 4,44\%$), 65 ($56,03 \pm 4,61\%$), 3 ($2,59 \pm 1,47\%$) тегишли равишда аниқланди, яъни ПФС 27,4% га 60 ёшдан катта беморларда кўп учраши маълум бўлди.



2-расм. Таҳлил қилинган сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларда гемодинамик кўрсаткичлар ($M \pm SD$, мм.сим.уст)

2- расмдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинган барча гурухларда систолик артериал босим (САБ) ва диастолик артериал босим (ДАБ) параметрларининг юқори эканлиги аниқланди. САБ кўрсаткичи умумий гуруҳда $148,84 \pm 15,14$ мм.сим.уст. ДАБ эса $90,87 \pm 9,41$ мм.сим.уст., 1 гуруҳда

САБ ўртача $152,10 \pm 11,24$ мм.сим.уст ДАБ 1 гуруҳда – $92,23 \pm 9,43$ мм.сим.уст., 2-гуруҳ беморларида $141,67 \pm 19,59$ мм.сим.уст. ва $87,89 \pm 8,68$ мм.сим.уст. мос равишда намоён бўлди. Ўхшаш намуна юрак қисқариш сони (ЮҚС) тахлили бўйича ҳам намоён бўлди ($79,79 \pm 8,24$ дақ⁻¹., $79,05 \pm 8,28$ дақ⁻¹., $77,43 \pm 8,17$ дақ⁻¹) тегишли равишда. Олинган натижалар статистик ишонarli даражага эга бўлмади.



3-расм. сурункали юрак етишмовчилиги бор беморларнинг ҳаёт сифати, клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи, 6 дақиқали юриш синамаларининг дастлабки кўрсаткичлари (M±SD, балл)

Изоҳ: * $p < 0,001$ дастлабки кўрсаткичларга нисбатан

Умумий гуруҳдаги СЮЕ бўлган беморларда ҳаёт сифати (ХС) кўрсаткичи $48,04 \pm 14,11$ баллни ташкил этди. ҚД борлигига қараб, ҚД ва СЮЕ бор беморларда ХС $56,24 \pm 7,61$ баллни, ҳамда ҚД кузатилмаган СЮЕ билан оғриган беморларда $30,01 \pm 6,00$ баллни ($p < 0,001$) ташкил этди, яъни ХС ҚД ва СЮЕ беморларда 31%га кам бўлиши кузатилди. 6 дақиқали юриш синамаси (6ДЮС) кўрсаткичининг тахлили барча ўрганилган гуруҳларда миокарднинг жисмоний зўриқишга бардошлилигини пасайиши аниқланди. Босиб ўтилган масофа 1-гуруҳдаги қандли диабет ҳамда юрак етишмовчилиги бўлган беморларда 2-гуруҳдаги беморларга нисбатан 25%га камроқ аниқланди. Бу эса сурункали юрак етишмовчилиги ҳамда қандли диабет билан оғриган беморларда касалликнинг авж олиши натижасида миокард бардошлилигининг сезиларли даражада камайганлигини англатади.

Шунга мос кўрсаткич клиник ҳолатини баҳолаш шкаласи (КХБШ) индексини ўрганиш билан аниқланди - умумий гуруҳда - $8,43 \pm 3,03$ балл, 1-гуруҳда - $8,63 \pm 3,04$ ва 2-гуруҳда мос равишда $7,98 \pm 2,98$ балларни ташкил этди. Нисбий ва ишончсиз фарқлар КХБШ даражаси бўйича сурункали юрак

етишмовчилиги ва қандли диабет касаллиги бўлган ва қандли диабет касаллиги бўлмаган гуруҳларда аниқланган.

Кейинги босқичда ҚД+СЮЕ беморларда ёшига қараб клиник-гемодинамик кўрсаткичлар ўрганилди.


2-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабет мавжуд беморларда ёшига қараб клиник-гемодинамик тавсифи

№	Кўрсаткичлар	60 ёшгача, (n=104)	60 ёшдан сўнг, (n=116)
1	САБ мм.сим.уст.	156,86±10,81	146,79±9,36**
2	ДАБ мм.сим.уст.	93,08±4,99	92,18±12,13
3	ЮҚС дақ ⁻¹	82±5,76	77,32±9,96**
4	ХС	55,34±9,10	57,04±5,88
5	КХБШ	7,05±3,16	10,05±2,10
6	6ДЮС	323,49±94,86	315,08±96,44

Изох : ** p<0,001 ёшига қараб статистик ишонarli фарқлар

Ретроспектив тадқиқот натижаларига кўра, 320 та бемордан липид спектри фақатгина 112 та беморларда ўрганганлиги аниқланди, яъни 35%. Булардан 87% (n=97) беморларда дислипидемия аниқланди, яъни СЮЕ ва ҚД бор беморларга 63% (n=61), СЮЕ ва ҚД кузатилмаган беморларга 37% (n=36) тўғри келди.



4-расм. Қондаги липид алмашинувининг кўрсаткичлари (M±SD, ммол/л)

Изох: * - P<0,001 1-гурух беморлари натижаларига нисбатан статистик ишонarli фарқлар

Қондаги умумий холестерин (УХС) миқдори 1-гуруҳ беморларида ўртача $5,83 \pm 0,83$ ммол/л ни ташкил қилди, 2-гуруҳ текширилувчиларида эса ўртача $5,50 \pm 0,78$ ммол/л га тенг бўлди, гуруҳлараро фарқ сезиларли эмас бўлди. Зичлиги юқори липопротеидлар (ЗЮЛП) миқдори $0,98 \pm 0,17$ ммол/л қарши $1,02 \pm 0,17$ ммол/л мос равишда. Шунга ўхшаш манзара атероген коэффиценти (АК) томонидан ҳам аниқланди, яъни 1-гуруҳ беморларида ўртача $3,38 \pm 0,69$ ммол/л ва 2-гуруҳ беморларида ўртача $2,95 \pm 0,31$ ммол/л кузатилди.

Зичлиги паст липопротеидлар (ЗПЛП) ва триглицеридлар (ТГ) ўрганилаётган гуруҳларда ўртача қиймати $3,38 \pm 0,69$ ммол/л ва $1,42 \pm 0,33$ ммол/л ($p < 0,001$); $3,91 \pm 0,43$ ва $1,72 \pm 0,43$ ($p < 0,001$) ммол/л мос равишда аниқланди, СЮЕ ва ҚД бўлган беморларда СЮЕ ва ҚД бўлмаган беморларга нисбатан ЗПЛП миқдори 43% ва ТГ 44%га статистик жихатдан юқори бўлишини кўрсатди.

Кейинги босқичда СЮЕ ва ҚД беморларда ёшига қараб биохимик кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Липид спектри УХС кўрсаткичи бўйича 60 ёшгача беморларда – $5,11 \pm 0,59$ ммол/л, 60 ёшдан катта беморларда эса – $6,30 \pm 0,60$ ммол/л, шунда 23%га 60 ёшдан катта беморларда юқори бўлиши кузатилди.

УХС ва ЗПЛП кўрсаткичлар бўйича 60 ёшгача беморларда ($5,11 \pm 0,59$ ва $2,93 \pm 0,56$ ммол/л, $p < 0,001$), худди шу кўрсаткичлар 60 ёшдан катта беморларда ($6,30 \pm 0,60$ ва $3,67 \pm 0,60$ ммол/л, $p < 0,001$), УХС 60 ёшдан катта беморларда ва ТГ 60 ёшдан катта беморларда ($6,30 \pm 0,60$ ва $4,08 \pm 0,45$ ммол/л, $p < 0,001$) ишонарли фарқлар аниқланди.

ЗЮЛП кўрсаткичи $1,07 \pm 0,16$ ва $0,92 \pm 0,16$ ммол/л ташкил этди, яъни 16% га 60 ёшгача беморларда кўпроқ кузатилди.

ЗПЛП ва ТГ кўрсаткичлар бўйича таҳлил ўрганилаётган гуруҳларда қуйидаги қийматлар кўрсатилди: $2,93 \pm 0,56$ қарши $3,67 \pm 0,60$ ммол/л ва $3,64 \pm 0,21$ қарши $4,08 \pm 0,45$ ммол/л мос равишда. ЗПЛП 25%га, ТГ 12%га 60 ёшдан катта беморларда юқори бўлиши намоён бўлди.

Шунга ўхшаш манзара АК томонидан ҳам кузатилди, ($2,91 \pm 0,41$ қарши $3,35 \pm 0,43$ ммол/л.), яъни 15%га кўпроқ 60 ёшдан катта беморларда аниқланди. Иккала гуруҳда ҳам қанд миқдори қуйидагича бўлди: $10,20 \pm 3,43$ ва $10,26 \pm 2,59$ ммол/л.

Бизнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, СЮЕ бор беморларда буйрак етишмовчилигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг оғиш ҳолатлари аниқланди.

Текшириладиган беморларда буйрак функцияси 37,5% ҳолатда ($n=120$) ўрганилди, булардан 74% ($n=89$) - СЮЕ ва ҚД бор беморларга ва 26% ($n=31$) – СЮЕ ва ҚД кузатилмаган беморларга буйрак фаолиятининг бузилиши тўғри келди. Сийдикчил кўрсаткичи 30%га СЮЕ ва ҚД бор беморларда СЮЕ ва ҚД бўлмаган беморларга нисбатан юқори бўлиши намоён бўлди. Креатинин кўрсаткичи 1-гуруҳ беморларида ўртача $105,36 \pm 10,0$ ва 2-гуруҳ беморларида эса $70,30 \pm 8,48$ ммол/л мос равишда аниқланди ($p < 0,001$). Коптокчалар фильтрациясининг тезлиги (КФТ) ўртача қиймати

текшириладиган беморларда куйидагича бўлди: $54,11 \pm 10,25$ ва $95,50 \pm 13,20$ мл/мин/ $1,73\text{м}^2$. Қондаги креатинин кўрсаткичининг ўртача концентрациясини 58%га кўп учраши ($p < 0,001$), коптокчалар фильтрациясининг тезлиги 56%га 1-гурух беморларида кам учраши кузатилди.

Буйраклар ҳолатининг функционал фаолияти СЮЕ ва ҚД мавжуд беморларда ёшига қараб ҳам ўрганилди. 60 ёшгача беморлар $47,19\%$ ($n=42$), 60 ёшдан катта беморлар эса $52,81\%$ ($n=47$) ташкил этишди.

60 ёшгача беморларда ЧҚОФнинг ўртача қиймати $53,76 \pm 3,52\%$, улардан катталарда $50,38 \pm 4,58\%$, шулардан сақланган – ЧҚОФ ($n=30$, $55,7 \pm 3,25\%$) ва ($n=44$, $50,4 \pm 4,59\%$) тегишли равишда, яъни 60 ёшдан ошган беморларда $10,5\%$ га паст эканлиги маълум бўлди. Сийдикчилнинг ўртача қиймати $7,20 \pm 0,96$ ммол/л, 60 ёшдан катта беморларда эса ушбу кўрсаткич $8,20 \pm 0,88$ ммол/л ташкил этди ($p < 0,001$), креатинин кўрсаткичи эса $98,41 \pm 5,98$ қарши $108 \pm 8,98$ ммол/л ($p < 0,001$). Шунга ўхшаш манзара КФТ кўрсаткичи томонидан ҳам ($55,27 \pm 11,74$ қарши $47 \pm 8,48$ мл/мин/ $1,73\text{м}^2$ аниқланди ($p < 0,001$)).

СЮЕ ва ҚД бор 60 ёшдан катта беморларда сийдикчил кўрсаткичи $13,8\%$ га, креатинин $9,7\%$ га, КФТ кўрсаткичи эса $17,6\%$ га 60 ёшгача беморларда юқори бўлиши билан намоён бўлди. Олинган натижалар статистик жихатидан ишонарли бўлди ($p < 0,001$).

СЮЕ бор беморларда амбулатор амалиётида биокимёвий ва инструментал текшириш усуллариининг тахлили

Ретроспектив тадқиқот натижаларига кўра, 320 та бемордан липид спектри фақатгина 112 та беморларда ўрганганлиги аниқланди, яъни 35% . Булардан 87% ($n=97$) беморларда дислипидемия аниқланди, яъни СЮЕ ва ҚД бор беморларга 63% ($n=61$), СЮЕ ва ҚД кузатилмаган беморларга 37% ($n=36$) тўғри келди. СЮЕ ва ҚД бўлган беморларда СЮЕ ва ҚД бўлмаган беморларга нисбатан ЗПЛП миқдори 43% ва ТГ 44% га статистик жихатдан юқори бўлишини кўрсатди. Липид спектри СЮЕ ва ҚД бўлган беморларда ёшига қараб тақсимланганда ЗПЛП 25% га, ТГ 12% га 60 ёшдан катта беморларда юқори бўлиши намоён бўлди.

Текшириладиган беморларда буйрак функциясини $37,5\%$ ҳолатда ($n=120$) ўрганилди, булардан 74% ($n=89$) - СЮЕ ва ҚД бор беморларга ва 26% ($n=31$) – СЮЕ ва ҚД кузатилмаган беморларга буйрак фаолиятининг бузилиши тўғри келди. Сийдикчил кўрсаткичи 30% га СЮЕ ва ҚД бор беморларда СЮЕ ва ҚД бўлмаган беморларга нисбатан юқори бўлиши намоён бўлди. Қондаги креатинин ўртача концентрациясини 58% га кўп учраши ($p < 0,001$), коптокчалар фильтрациясининг тезлиги 56% га 1-гурух беморларида кам учраши кузатилди. СЮЕ ва ҚД бор 60 ёшдан катта беморларда сийдикчил кўрсаткичи $13,8\%$ га, креатинин кўрсаткичи $9,7\%$ га, КФТ кўрсаткичи эса $17,6\%$ га ёши 60 ёшгача беморларда юқори бўлиши билан намоён бўлди. Олинган натижалар статистик жихатидан ишонарли бўлди ($p < 0,001$).

Электрокардиография (ЭКГ) текшируви амбулатор кузатув босқичида 230 та беморда ўтказилди. 230 та бемордан 78,26% (n=180) – асосий гуруҳ ва 21,74% (n=50) – назорат гуруҳ беморлари ташкил этди. СЮЕ ва ҚД бор беморларда ЭКГ 27,27% ҳолатда синусли тахикардия қайд қилинди. 2-чи тадқиқот гуруҳида ҳам синусли тахикардияни учраши 19% ни ташкил этди.

Синусли аритмия 11,82% 1-гуруҳ беморларида ва 2-чи гуруҳ беморларида 6% учраши кузатилди. Шундай қилиб, синусли тахикардия 31,6%га, синусли аритмия 23%га СЮЕ ва ҚД бор беморларда юқори бўлиши аниқланди. Кейинги босқичда СЮЕ ва ҚД мавжуд беморларда ёшига қараб ЭКГ текширувини таққослаш тахлили ўтказилди. 180 та бемордан 60 ёшгача 46% (n=83) ва 60 ёшдан катта беморлар 54% (n=97) ташкил этишди. 60 ёшгача бўлган СЮЕ ва ҚД бор беморларда хилпилловчи аритмия 57,14%га қоринчали ва суправентрикуляр экстрасистолалар 41,6% ва 40%га, чап қоринча (ЧҚ) орқа деворининг чандиқли ўзгаришлари 12,5%га юқори бўлди, 1-даражали АҮ блокада 50%га 60 ёшдан катта беморларда кўп учради.

Эхокардиографик (ЭХОКГ) текширув усули 320 та СЮЕ билан оғриган беморлардан 54% (n=172) беморда, ўтказилди. 1- гуруҳ беморлар 31,56% (n=101), 2- гуруҳ беморлар эса 22,18% (n=71) ҳолатларда. ЭХОКГ текширув натижаларига кўра тадқиқот гуруҳларда миокард қисқариш функциясининг пасайишини, яъни чап қоринча отиш фракцияси (ЧҚОФ)ни (52,3% ва 54,3%) паст кўрсаткичлари далолат бермоқда. Сурункали юрак етишмовчилиги ҳамда қандли диабет билан оғриган беморлар гуруҳида чап қоринча орқа деворининг қалинлиги (ЧҚОДҚ) 26,2%га, қоринчалараро тўсиқнинг қалинлиги (ҚАТҚ) - 41,3%га ва чап қоринча миокард вазни индекси (ЧҚМВИ) - 15,8%га юқорироклиги аниқланди.

Илмий ишда олинган натижалар асосида "СЮЕ мактаби" дастури шифокорлар ва беморлар учун ишлаб чиқилди. Мактабни қўллаш орқали СЮЕ ва ҚД билан оғриган беморларда нафақат самарали давога эришилди, балки уларда даволанишга мойиллик 27,3%га ҳам ортди, ҳаёт сифати 27,7%га яхшиланди, миокарднинг жисмоний зўриқишга чидамлилиги 13,8%га ортди, гиподинамия 19,5%га, депрессия 29,5%га ҳамда қайта касалхонага ётқизиш ҳолатлари 53,33%га камайди.

Диссертациянинг тўртинчи **“СЮЕ бор беморларда фармакологик статуси ва даволанишга мойиллиги ва СЮЕ мактабининг натижалари”** бобида дориларнинг миқдори «мақсадли» даражага етмаган. Беморларнинг деярли 50% юрак етишмовчилигини даволаш учун асосий дори воситаларидан деярли фойдаланилмаганлиги, комбинация шаклида бўлган дори воситаларидан кўпинча ААФИ+БАБ (22,5% беморларда) ААФИ+МКРА+БАБ (11,25%) буюрилганлиги аниқланди.

Сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабетли беморларда комплекс ўқув дастуридан сўнг, сурункали юрак етишмовчилигининг яққол клиник белгиларини камайиши, яъни уларда ҳаёт сифатини 27,7%га яхшиланиши, миокарднинг жисмоний зўриқишга бардошлилиги 13,8%га ортиб бориши, шифохонага такрорий ётқизилиши 11% га камайиши

кузатилди, шу билан бир қаторда, 1 йиллик ўлим кўрсаткичи 1,4% ни ташкил этгани кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Амбулатор шароитида олиб борилган тадқиқот натижалари, 60 ёшдан катта бўлган беморларда сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабет ривожланишининг авж олинишига сабабчи бўлган хавф омилларидан юрак ишемик касаллиги, артериал гипертензия, тушкунлик, юрак аритмиялари, семизлик, камқонлик, 60 ёшдан кичик шахсларда тамаки чекиш, спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, қон босимини етарлича назорат қилмаслик ва даволанишга мойиллик даражаси паст бўлиши етакчи аҳамиятга эгаллиги тасдиқланди.

2. Эхокардиографик текширув усули сурункали юрак етишмовчилиги ҳамда қандли диабет мавжуд беморлар гуруҳида қандли диабетсиз гуруҳига нисбатан чап қоринча орқа деворининг қалинлиги 26,2%га, қоринчалараро тўсиқнинг қалинлиги 41,3%га, чап қоринча миокард вазни индекси 15,8%га юқори эканлигини тасдиқлади. Кўрсаткичларни беморларнинг ёшига кўра тахлили фарқни фақат юрак чап қоринча отиш фракцияси томонидан аниқланди, бу кўрсаткич 60 ёшдан катта бўлган беморларда 60 ёшдан кичик бўлган гуруҳ беморларига нисбатан 10,5%га паст эканлиги кузатилди.

3. Сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабет билан оғриган беморларнинг даволанишга бўлган мойиллик паст даражада эканлиги, айниқса бу кўрсаткич 60 ёшдан кичик бўлган беморларда ундан катта бўлганларга нисбатан 21 % га кам эканлиги аниқланди.

4. Фармакоэпидемиологик текширув натижалари атиги 22,5% ангиотензин айлантирувчи фермент ингибиторлари ва бета-блокаторларнинг комбинациясидан фойдаланилганлигини ва шу билан бирга кунлик дозаларининг миқдори паст бўлганлиги ва бунинг натижасида қон босими ва юрак қисқариш сонини назорат қилиш 60 ёшгача бўлган беморлар орасида 9%, 60 ёшдан катта беморлар гуруҳида 16% ни ташкил этиши кузатилди.

5. Беморларнинг такрорий касалхонага ётқизилиш сабабларини ўрганиш, 60 ёшдан катта бўлган сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабетли беморларда касалликнинг юқори функционал синфларининг кўп учраши, чап қоринча отиш фракциясининг паст бўлиши, қондаги креатинин, сийдикчил миқдорининг ортиб бориши, коптокчалар филтрация тезлигининг сезиларли пасайиши, 60 ёшдан кичик бўлган беморларда эса қон босимининг юқори кўрсаткичларда сақланиб туриши, қондаги қанд миқдори ва юрак қисқаришлар сонининг эса қисман бўлсада юқорилиги сабаб деб топилди.

6. Сурункали юрак етишмовчилиги ва қандли диабетли беморларда комплекс ўқув дастуридан сўнг, сурункали юрак етишмовчилигининг яққол клиник белгиларини камайиши, уларда ҳаёт сифатини 27,7%га яхшиланиши, миокарднинг жисмоний зўриқишга бардошлилиги 13,8%га ортиб бориши,

шифхонага такрорий ётқизилиши 11% га камайиши кузатилди, шу билан бир қаторда, 1 йиллик ўлим кўрсаткичи 1,4% ни ташкил этгани қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

АСКАРОВА НИЛУФАР АСКАР КИЗИ

**ОСОБЕННОСТИ ВТОРИЧНОЙ ПРОФИЛАКТИКИ ХРОНИЧЕСКОЙ
СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ
ДИАБЕТОМ НА АМБУЛАТОРНОМ ЭТАПЕ НАБЛЮДЕНИЯ**

14.00.05 - Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2PhD/Tib1149.

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Тулабоева Гавхар Мирокборовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Мухамедова Муяссар Гафуржановна
доктор медицинских наук

Каримов Маъруф Шакирович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Андижанский государственный
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «6» апреля 2022 г. в 17⁰⁰ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № 844 (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «24» марта 2022 год.

(Протокол рассылки № 2 от «24» марта 2022 года)



А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Несмотря на успехи в лечении хронической сердечной недостаточности (ХСН), за последние годы, это заболевание является одной из актуальных проблем в кардиологии. По результатам некоторых авторитетных наблюдений, «...ХСН в большинстве случаев выявляется у больных сахарным диабетом 2 типа (СД2) и такая коморбидность регистрируется от 10 до 22%...»¹. Возрастной рост числа пациентов с ХСН сердечно-сосудистые заболевания, а именно увеличение ишемической болезни сердца (ИБС) и гипертонической болезни (ГБ), в большинстве случаев их сочетание, длительное течение их за счёт достижений в лечении и профилактики являются причиной развития атеросклероза не только в магистральных артериях, но также и в мелких артериях артериолах.

В последние годы во всем мире проводятся ряд научных исследований, по причинам развития ХСН, для предотвращения сердечно-сосудистых осложнений и повышенной смерти от сердечно-сосудистых заболеваний. Однако, молекулярные и генетические механизмы, приводящие к метаболическому ремоделированию, до конца не изучены. Сердечно-сосудистые заболевания (ИБС, артериальная гипертензия) показывают близость патогенеза выявляемых метаболических нарушений при ХСН. К сожалению, в настоящее время отсутствуют рекомендации по особенностям выявления ранних признаков ХСН. Поэтому, выявление ранних признаков ХСН у больных СД 2-го типа, уточнение особенностей этой диагностики, оценить влияние кардиоваскулярных факторов риска и на основании полученных результатов оптимизировать терапию, а также создание профилактических мер имеет особое значение.

В нашей Республике загружены ряд задач, на развитие медицинского сектора, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, сокращение и предотвращение распространения кардиологических среди населения. Определены такие задачи как, «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации...»². Особое внимание уделяется также на создание профилактических мероприятий, повышения качества терапии направленных на формирование здорового образа жизни среди населения, совершенствование методов лечения, с целью профилактики увеличения сердечно-сосудистых заболеваний.

¹ Марданов Б.У., Корнеева М.Н., Ахмедова Э.Б. Сердечная Недостаточность и сахарный диабет: отдельные вопросы этиопатогенеза, прогноза и лечения. // Рациональная фармакотерапия в кардиологии. – 2016. – №12 (6). – С. 743-748.

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения республики Узбекистан» от 8 декабря 2018 года

